



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING**  
**B U Y R U G' I**

20 17 yil "28" 08

№ 499

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини врачларини қайта тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 марта “Ўзбекистон Республикаси бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2857-сонли қарори ижросини таъминлаш, туман/шаҳар кўп тармоқли поликлиникалари шаҳар ва қишлоқ оиласидаги поликлиникалари ва қишлоқ врачлик пунктларида фаолият юритиш учун умумий амалиёт шифокорларини қайта тайёрлашни янада такомиллаштириш чораларини белгилаш мақсадида буюраман:

1. Тиббиёт олий таълим муассасаларида 10 ойлик қайта тайёрлаш курсларини ўтиш учун қишлоқ врачлик пунктлари, қишлоқ ва шаҳар оиласидаги поликлиникалари ҳамда кўп тармоқли марказий поликлиникалари врачларининг тақсимот жадвали иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тиббиёт олий таълим муассасалари раҳбарларига:

тиббиёт олий таълим муассасалари қошида ташкил этилган врачлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш кафедраларида 10 ойлик дастур асосида умумий амалиёт врачларини тайёрлашни давом эттириш;

қайта тайёрлаш циклларига ёш чегарасисиз кабул килинган врачлар рўйхатини тиббиёт олий таълим муассасалари буйруқлари билан тасдиқлаш;

врач-тингловчилар эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда, уларга тиббиёт олий таълим муассасаларининг ётоказасидан белгиланган тартибда жой ажратиш;

курслар тасдиқланган режа бўйича ўтказилиши, ўқиши мувоффакиятли якунлаган тингловчиларга ўрнатилган тартибда сертификат берилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари 10 ойлик қайта тайёрлашга юборилаётган врачлар рўйхати буйруқ билан тасдиқланиши, тиббиёт олий таълим муассасалари врачлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш кафедраларига тақдим этилиши ҳамда врачлар малака ошириш циклларига ўз вактида иловада келтирилган жадвал асосида юборилишини назоратга олсинлар.

3. Умумий амалиёт шифокорларини қайта тайёрлаш режасининг бажарилишига Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларининг шахсан жавобгар эканлиги белгилансин.

4. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринbosари Б.Юсупалиев зиммасига юклатилади.

Вазир

А. Шадманов